2009 ЙИЛ 15 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 202 (11.513)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

**Тошкентда 14 октябрь куни жаҳон пахтачилик саноатидаги муҳим воқеа – V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иш бошлади.**

Мазкур анъанавий ярмарка давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ярмарканинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган пахтачиликда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Пахтадан юқори сифатли тола олишнинг янги технологияларини ривожлантиришга, пахта хомашёсининг савдосига бозор иқтисодиёти тамойиллари ва механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Пахта толаси экспортининг очиқ механизмлари такомиллаштирилди. Бу эса жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта толасининг нуфузи ва рақобатбардошлиги кескин ошишига сабаб бўлди.

Сўнгги йилларда миллий сертификатлаштириш тизими туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Пахта толаси сифатини белгилашнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган HVI кўрсаткичлари тизимига ўтилди. «Сифат» маркази пахта сифати ва ҳар бир той толанинг вазнини назорат қилиш имконига эга кўп тармоқли лабораториялар билан жиҳозланди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

**Москвадаги Миллатлар уйида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

Миллатлар уйида бўлиб ўтган кечани москвалик мусаввир Н.Корниловнинг Тошкент шаҳрига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси, рангтасвир ва графикага оид суратлари, шунингдек, унинг шахсий коллекциясидан ўрин олган ўзбекистонлик рассомлар томонидан ишланган суратлар ўзига хос тарзда безади.

— Умримнинг 25 йили Тошкент билан боғлиқ, шунинг учун ушбу шаҳар ҳозирги кунга қадар ижодимда асосий ўринни эгаллаб келмоқда, — деди Николай Изосимович. — Менга зилзила вайронагарчиликларидан кейинги манзараларни суратларга муҳрлаш насиб этган. Мен ўзимни Тошкент шаҳрининг яқин тарихидан маълум қадар хабардор кишилардан бири деб ҳисоблайман, шунинг учун ҳам Россия нашриётларида босмадан чиққан учта китобимдан сурат матнларидан ташқари, севимли шаҳримга бағишланган чизилиши режалаштирилган суратларнинг хомаки нусхалари, фотосуратлар ҳам ўрин эгаллаган.

Тадбир Москва шаҳрининг Миллатлар уйи таркибига кирувчи олий ўқув юртлари талабалари ва турли уюшмаларининг фаоллари томонидан тайёрланган концерт дастури билан якунланди.

**«Жаҳон» АА, Москва**

Тадбир Москва ҳукуматининг минтақалараро алоқалар ва миллий сиёсат қўмитаси ҳамда “Дунё халқлари санъати” халқаро уюшмаси кўмагида ташкил этилди. Кечада Россия пойтахтидаги ижтимоий ва ишбилармон доиралар ҳамда миллий диаспоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси И.Неъматов, Миллатлар уйи директорининг ўринбосари Л.Домрачева, сиёсий фанлар доктори И.Кругових, ёзувчи Г.Резниченколар сўзга чиқиб, Тошкент шаҳрининг тарихи, бугуни, мамлакатнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳақида гапиришди.

**Чет эл оммавий ахборот воситалари ва экспертлар жамоатчилиги вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг октябрь ойи бошида Уммон Султонлигига амалга оширган давлат ташрифи натижаларини шарҳлашда давом этмоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОН — УММОН:
## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ЯКУНЛАРИГА ШАРҲЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**«Оман», «Ал Ватан», «Ал Замон», «Times of Oman»** газеталари ва Уммоннинг бошқа нашрлари Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасида «Ал-Алам» саройида икки давлат ўртасида иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик, олий таълим, илмий тадқиқотлар, маданият, ҳаво қатнови, энергетика ва нефть маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида қатор ҳужжатлар имзоланганига эътибор қаратади.

**Италиянинг “Ил Темпо” интернет нашри**нинг ёзишича, “икки томонлама битимлар ва меморандумларнинг имзоланиши узоқ муддатли ҳамда самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам замин ҳозирлайди”. Шу ўринда нашр инвестициялар учун янги истиқболларни очиб берувчи нефть ва газ соҳасида имзоланган ҳужжатларга алоҳида урғу беради.

“Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари дўстлик ва ўзаро ишонч тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда, — деб ёзади **Россиянинг «Регнум» ахборот агентлиги.** — Икки давлатнинг ташқи сиёсий маҳкамалари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатлар терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда бир хил фикрга эгадирлар. Уммон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни муқобиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди. Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислом Конференцияси Ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келади”.

“Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига “давлат ташрифи” мақомининг берилиши, Уммоннинг Марказий Осиёда ҳал қилувчи ўринга эга бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганидан дарак беради, - деб ҳисоблайди **Франция шарқ тиллари ва цивилизациялар институтининг президенти Жак Легран.** – Улкан тарихий, маданий, иқтисодий ва сиёсий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугунга келиб ҳаётнинг барча соҳаларида юксак муваффақиятларга эришди. Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда у хусусан араб дунёси мамлакатлари учун минтақадаги ишончли шерик ҳисобланади. Зеро араб дунёси мамлакатлари Тошкент билан ўз муносабатларини ривожлантириш орқали бутун Марказий Осиё билан ҳамкорликни фаоллаштира олишлари мумкинлигини яхши англашади. Ўз навбатида, Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистонга араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар яратади”.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон Султонлигига ташрифи мамлакат раҳбариятининг устувор ташқи сиёсий мақсадларни амалга ошириш борасидаги йўналишини кўрсатади, — дейди **Деҳли университетининг профессори Жётсна Бакши**. – Ўзбекистон Марказий Осиёнинг етакчиси бўлган бир пайтда, Уммон Форс кўрфазидаги барқарор ривожланаётган давлатлардан бири саналади. Иқтисодий ва савдо-инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш учун иккала давлат ҳам улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистон Уммонга Марказий Осиё ва қўшни минтақалар учун “эшик очаётган” бир пайтда, Уммон Ўзбекистон учун Форс кўрфази мамлакатлари бозорларига дарвоза вазифасини ўташи мумкин”.

**Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар бўйича Бош директорати Форс кўрфази мамлакатлари билан ҳамкорлик департаменти ходими Уиллем Брикманнинг** фикрига кўра, “Ўзбекистон Президентининг Уммонга давлат ташрифи ушбу давлатларнинг икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришдан манфаатдор эканидан дарак беради. Бундай ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун ҳам, Уммон учун ҳам манфаатлидир, бинобарин, ҳар иккала томон ҳам турли соҳаларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга”.

**Жанубий Корея миллий нефть компанияси (KNOC) президенти Канг Ёнг-Воннинг** фикрига кўра, ҳозир Ўзбекистон ва Уммон муваффақиятли ривожланаётган сиёсий ҳамда маданий алоқаларга қўшимча равишда иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни жадал ривожлантиришга умид боғлайди. “Қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш учун умумий капитал миқдори 500 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи компания тузиш лойиҳаси – бугунга қадар араб мамлакатлари билан амалга оширилаётган ягона лойиҳа бўлиб, Ўзбекистоннинг бошқа араб ҳамкорлари билан бундай компанияларни ташкил этиши кўп жиҳатдан ушбу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқдир”, — деди у.

**“Жаҳон” АА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Чилонзор туманидаги Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежида «Ёшлар — Ватан таянчи» мавзуида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Чилонзор туман прокуратураси, туман халқ суди, туман ИИБ, туман Вояга етмаганлар комиссияси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги 215-мактабда «Турон» ахборот-ресурс маркази ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Китобга ошно кўнгиллар» деб номланди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 313-мактабда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилган амалий семинарда биология ва кимё фанлари ўқитувчилари иштирок этишди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Наманган қоғози» масъулияти чекланган жамиятида ёзув, офсет ва енгил картон қоғозлари ишлаб чиқаришнинг синов босқичи муваффақиятли якунланиб, узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Ушбу корхонанинг очилиши ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим ўрин тутади. Ҳозир бу ерда 60 киши иш билан таъминланди. Модернизация ишлари якунлангач эса иш ўринлари сони 150 тага етади.**

**● «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали халқаро сифат менежменти тизимининг «ISO 9001:2008» сертификатига эга бўлди.**

**● Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоқ Давлат санъат музейида «Қайта тикланган асарлар» кўргазмаси очилди. Айтиш керакки, бу ерда Польша, Германия, Франция ва болгариялик малакали мутахассислар кўмагида бадиий ва тарихий аҳамиятга эга айрим тасвирий санъат асарларини тиклаш жараёни амалга оширилди. Реставрациядан сўнг асарлар ўзининг асли кўринишига эга бўлиб, мухлислар кўнглини хушнуд этмоқда.**

**● Уйчи туманидаги МЧЖ «Альфа-Фарҳод»да хўжалик совуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги корхонада 50 нафар маҳаллий аҳоли ишга жойлаштирилиб, ҳар куни икки тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.**

**● Қўшробот тумани Истиқбол қишлоғида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона иш бошлади. Айни пайтда қишлоқ ёшлари учун кўплаб янги иш ўринлари очилди.**

**● Зафаробод туманидаги «Лозод продукт» фермер хўжалигида 16 мингта бройлер товуқларини боқишга мўлжалланган паррандачилик фермаси бунёд этилди.**

**● Янгиқўрғон туманида Нанай қишлоғини туман марказига боғловчи янги йўл барпо этилди. Бу ерда 2 миллиард 322 миллион сўмдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Россия Федерацияси Президенти Д.Медведев Бруней султони Ҳ.Болкиах билан икки томонлама алоқалар, жумладан ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан ўзаро музокаралар олиб боради.**

**● Буюк Британия ўзининг 9 минг кишидан иборат Афғонистондаги ҳарбийлари гуруҳига қўшимча равишда яна 500 нафар ҳарбийни юборишга қарор қилди.**

**● Латвия ҳукумати мамлакат Мудофаа вазирлиги томонидан Ҳарбий интизом регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни қўллаб- қувватлади. Эндиликда кимки ҳарбий интизомни бузса, маошининг 20 фоизидан айрилади.**

**● Кеча Молдова пойтахти Кишинёв шаҳри марказида бўлиб ўтган шаҳар куни байрами пайтида юз берган портлаш натижасида 30 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Тахминларга кўра, бу террорчилик ҳаракати ҳам бўлиши мумкин.**

**● Россия Бош вазири В.Путин ФИФА президенти Й.Блаттер билан 2018 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионатига Россиянинг мезбонлик қиладиган давлатлар сафидан ўрин олиши юзасидан музокаралар олиб боради.**

**● Қирғизистоннинг фуқаро авиацияси департаменти «Боинг-737-200» самолётларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида фармойиш эълон қилди. Бунга кейинги пайтларда шундай самолётларда юз бераётган техник носозликлар сабаб бўлди. Самолётлар тўлиқ техник назоратдан ўтказилганидан сўнг, носозлик сабаблари аниқланиб, бартараф этилгач, шундай русумдаги самолётлардан қайта фойдаланишга рухсат берилади.**

**● Еврокомиссия Буюк Британия, Испания, Греция ва Латвия мамлакатлари иқтисодиёти ночор ҳолатда эканлигини қайд этди.**

**● Кеча ўтказилган савдолар давомида жаҳоннинг етакчи биржаларида нефтнинг нархи сезиларли даражада ошди.**

**● Новгород областида қор бўронларининг кучайиши натижасида аҳоли яшаш пунктлари электр қувватидан узилиб қолди. Калининградда эса кучли бўрон оқибатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Шайхонтоҳур тумани ахборот-маслаҳат маркази томонидан туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Президентимизнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги»ги Фармонлари ижросини таъминлашга қаратилган «Халқаро стандартлаштиришнинг бошқарув тизими ва менежмент сифати» мавзуидаги семинар-йиғилиши ўтказилди.**

Қарор ва ижро

# АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР КИРИТИЛДИ

Мазкур тадбирда, жумладан Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси, «Ўзстандарт» агентлигининг Стандартлаштириш ва метрология-сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда туманда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар қатнашишди. Семинарни кириш сўзи билан очган Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Дониёр Мадиримов бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган даврда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси ўта долзарб бўлиб, ўз навбатида, бу буюртманинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беришини айтиб ўтди. Хусусан, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш орқали иқтисодиётимизни юксалтирибгина қолмай, балки айрим долзарб ижтимоий муаммоларга ҳам барҳам бериш мумкинлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси бош мутахассиси Светлана Дорохова шаҳримизда фаолият юритаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва ишлаб чиқаришда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш мақсадларида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапирди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланмиш доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилашнинг энг муҳим йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборатлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, семинарда «Ўзстандарт» агентлиги стандартлаштириш ва метрология-сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи Карим Ўтаев ўз сўзида юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган Фармон ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга тўхталди. Халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши, ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштириш билан боғлиқ жараёнларнинг тизимли мониторингини олиб бориш ҳамда шундай бошқариш тизимларини жорий этган корхоналарни рағбатлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқилиши тўғрисида батафсил маълумот берди.

Семинар давомида кўплаб тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган, ўйлантираётган саволларга мутахассислардан қониқарли жавоблар олишди. Қарорлар ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш давомида қатор амалий таклифлар киритилганлиги эса эътиборга лойиқ.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**Юртимизга олтин куз фасли ўз сепини ёйган қуёшнинг илиқ тафти одамга ҳузурбахш ва сокин кайфият бағишлайди. Айни пайтда эса шаҳримизнинг кўпгина масканларида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.**

Тадбирлар

# ОБОД ЎЛКАМ — ОЗОД ДИЁРИМ

Яқинда Учтепа туманидаги «Ўриксзор», «Кўркамобод», «Бешқайрағоч» маҳаллаларида «Обод ўлкам — озод диёрим» шиори остида ҳашар бўлиб ўтди.

— Куз фаслини азалдан олтинга қиёслашади, — дейди «Кўркамобод» маҳалласи оқсоқоли Саидкарим Сотволдиев. — Айни кунларда тўкин-сочинлик, пишиқчилик авжида. Аммо шу билан бирга хазонрезгилик кези ҳам бошланиб қолди. Дарахтлардан тўкилаётган зарҳал рангда товланувчи баргларни ўз вақтида йиғиб олмасак, атроф- муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада ҳашарлар уюштирилмоқда. Бунда ёшу қари бирдай ҳамкор, ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиб ҳаракат қилмоқда. Дарахтларнинг таглари юмшатилиб, ободончилик ва тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса ҳар бир кўчанинг кириш жойлари, кўп қаватли уйларнинг йўлакларига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Бунда бизга мактаблар маъмурияти яқиндан ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, кузнинг изғиринли кунларида ён-атрофга алоҳида аҳамият билан қаралмаса ҳаммаёқ нафақат барг хазонларига, балки, шох-шаббаларга ҳам тўлиб нохуш манзарани юзага келтиради.

Шу кунларда пойтахтимизнинг марказий кўчаларида, боғларда ободончилик ва тозалик ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда ҳам ҳафтанинг ҳар шанбаси «Тозалик куни» деб эълон қилиниб ҳашар уюштирилмоқда.

Шаҳримиздаги 123-мактабда уюштирилган ҳашарда нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар ҳам иштирок этдилар. Улар тозалаш юмушлари билан биргаликда кузги кўчатларни экиш ишларини ҳам бажардилар.

Бу ҳақда мактаб директори Саида Арипова шундай дейди: «Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамкорлигида алоҳида режа ишлаб чиққанимиз боис ҳам ҳар ҳафтанинг шанбасида жамоавий равишда ҳашар уюштирамиз. Бунда нафақат мактаб ҳовлиси ва боғи, балки синф хоналарида ҳам тозалаш ишлари амалга оширилади. Ҳамкорлик асосида синф гулларини кўпайтиришга аҳамият берилади. Ён-атрофдаги кўчаларда истиқомат қилувчи қариялар, ёлғизлар ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиниб, ёрдам кўрсатилади. Биз ҳам ёш авлодни ана шундай ибратли амалларни янада шакллантиришга, табиатни севишга, озодаликка, саришталикка ва ободончиликка риоя этишга чорламоқдамиз.

«Обод ўлкам — озод диёрим» шиори остида ташкил қилинган ҳашар Учтепа туманининг бошқа маҳаллалари ва ўқув масканларида ҳам давом этмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**



Қиш тайёргарликни ёқтиради

# РЕЖАЛАР ТЎЛИҚ БАЖАРИЛДИ

**Халқимизда «Қиш ғамини ёзда е» деган нақл бежизга айтилмаган. Чунки ёз бўйи қилинган меҳнатнинг самараси кўпроқ қишда билинади.**

Буни чуқур ҳис этган «Яккасаройтумангаз» филиали жамоаси аҳолини узлуксиз газ билан таъминлаш ва бу борадаги ҳар қандай юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида мавсумга ҳозирлик ишларини ёз ойларидаёқ бошлаб юборишганди.

— Белгиланган режага кўра сентябрь, октябрь ойлари давомида 73 дона газ тартиблаш пунктларни таъмирлаш ва бўяш ишлари амалга оширилиши лозим эди, — дейди биз билан суҳбатда филиал бош муҳандиси Иброҳим Дадажонов. — Мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу ишлар бекаму кўст бажарилди. Ўз навбатида режага киритилган 8500 погон метрлик газ қувурлари тикланди. Мавжуд 15900 та газ асбоби дуд буронларини текшириш ва тозалаш ишлари эса қарийб 95 фоизга уддаланди. Айни пайтда ҳам ҳудудимиздаги газ тартиблаш пунктларида сўнгги профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тумангаз идораси жамоаси томонидан кўп қаватли уйлар ва маҳаллалардаги газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилаётганлиги қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилаётганлигидан далолатдир. Бу эса ўз ўрнида истеъмолчиларни узлуксиз табиий газ билан таъминлаш имкониятини беради.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: «Яккасаройтумангаз» ходимлари навбатдаги режани бажариш олдидан**

**Дўкондан харид қилган буюмингиз учун сотувчи сизга чек ёзиб берди. Нима бўлдию, қоғозчани йўқотиб қўйдингиз. Дард устига чипқон, деганларидек, харид қилинган буюм сифатсиз чиқди. Таъбингиз тирриқ бўлди. Хўш, энди нима қиласиз? Веҳафсала бўлишга ҳожат йўқ. Мамлакатимизда амалдаги қонунчилик меъёрлари сизнинг бу борадаги мушкулотларингизни енгиллаштиришга ёрдам беради. Қуйида эса шаҳримиз миқёсидаги айрим қонун доирасидан четга чиқиш ҳоллари ва уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган хайрли ишлардан воқиф бўласиз.**

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

# ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА

Ҳамза тумани Маърифат кўчаси, 94-уйда истиқомат қилувчи С.Идрисова Навоий ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор "У.И.Пирмуҳаммедов" савдо дўконидан 466.000 сўмлик "NOKIA-6600" русумидаги уяли телефон аппаратини сотиб олган. Аммо мазкур буюм ўзининг сифат кафолатини оқлай олмагани учун сарф этилган харажат истеъмолчига қайтариб берилди.

* * *

Мирзо Улуғбек тумани Қорасув 1-даҳаси, 8 "Г"-уй, 18-хонадонда яшовчи М.Алексеева хусусий тадбиркор "Миразиз Агзамов" дўконидан 1 миллион 60 минг сўмлик совутгич-музлатгич сотиб олади. Бироқ маҳсулотнинг техник носозлиги маълум бўлади. Ҳозирда у истеъмолчи талабига кўра бепул таъмирлаб берилган.

* * *

Андижон вилоятида истиқомат қилувчи М.Зокиров шаҳримизнинг Ҳамза туманида жойлашган "Нурон" МЧЖ дўконидан 3.200.000 сўмга "Ноутбук" оргтехникасини харид қилганлигини билдириб унинг сифат даражаси юзасидан мурожаат қилган. Аризада кўрсатилишича, истеъмолчи буюмнинг носозлиги юзасидан дўкон маъмурларига мурожаат этган. Бироқ масала ижобий ечим топмаган. Ҳозирда истеъмолчи талаби қонун доирасида ҳал этилиб, сарфланган харажатга тенг миқдордаги стол компьютерига алмаштириб берилган.

* * *

Учтепа тумани 13-мавзе, 39-уй, 36-хонадонда яшовчи Х.Қўчқоров уй томидан бир неча йиллардан бери чакка ўтиши юзасидан бирлашмага мурожаат этган. Истеъмолчининг аризаси ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Ҳозирда бу масалага ижобий ечим топилган бўлиб, 10 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилган.

* * *

Мирзо Улуғбек тумани Қорасув-1 даҳаси, 36-уй, 63-хонадонда истиқомат қилувчи Н.Тўлаганова ҳам шу мазмунда мурожаат қилган. Ҳозирда истеъмолчи яшайдиган уйнинг коммунал хизматларига масъул бўлган "Қорасув фаровон коммунал" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан ҳамкорликда бу масалага ижобий ечим топилган.

* * *

Чилонзор тумани 3-мавзе, 73-уй, 27-хонадонда яшовчи М.Марушевская Усмон Носир кўчаси, 85-уйда жойлашган хусусий стоматология поликлиникасида тишларини даволатиб, сунъий тиш қўйдиргани, бироз вақт ўтгач, тишларининг сифатсиз даволанганидан моддий зарар кўрганлигини баён этган. Ушбу ҳолат ўрганиб чиқилиб, стоматология поликлиникаси маъмуриятидан 150.000 сўмлик моддий зарар истеъмолчи фойдасига ундириб берилди.

**Қадрли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!**

**Сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам носозликлар учрадими? Қаерга мурожаат этишни билмай турибсизми? Унда Тошкент 100185, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23 "А"-уй, (998712) 276-90-46; факс: 276-89-35 телефонларига қўнғироқ қилишингиз мумкин. Интернетдаги манзил:** Toozppuz@gmail.com.

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси тақдим этган материаллар асосида

**Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади.**

# АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Жаҳонда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, юртимизда қарор топган мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий барқарорлик боис бошқа соҳалар қатори пахтачилик ҳам жадал ривожланаётир. Бугунги кунда ўзбек пахтаси Хитой, Россия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея, Сингапур, Вьетнам, Туркия сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда. Тўқимачилик саноати юксак даражада ривожланаётган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари корхоналарининг ўзбек пахта толасига эҳтиёжи тобора ортмоқда. Ўзбекистон пахта толаси жаҳон бозорида ўзининг юксак сифати, оқлиги ва пишиқлиги, технологик кўрсаткичларининг юқорилиги ва жаҳон тўқимачилик саноати талабларига тўлиқ жавоб бера олиши билан машҳур.

Юксак сифати жаҳонда эътироф этилаётган ўзбек пахта толасига талаб халқаро бозорда муттасил ортиб бораётир. Ярмарка қатнашчилари сонининг йил сайин кўпайиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, 2008 йилдаги ярмаркага ўттиздан ортиқ мамлакатдан уч юздан зиёд компания ва пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 400 нафардан зиёд вакил ташриф буюрган бўлса, бу гал 34 мамлакатдан 515 иш одами иштирок этмоқда.

Ярмарка давомида иштирокчилар мамлакатимизда пахта саноатини ривожлантириш стратегияси билан батафсил танишиш, ўзбек толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имконига эга бўлади. Ярмарка қатнашчилари ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш баробарида пахта тозалаш заводлари, терминаллар ва фермер хўжаликларида бўлиб, Ўзбекистонда пахта етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасидаги ўз маълумотларини бойитади. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида ўрнатилган ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу анжуман нафақат Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари билан турли давлатлардаги йирик тўқимачилик компаниялари ва етакчи трейдерлар ўртасида, балки пахта етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, ташиш билан шуғулланувчи кўплаб мамлакатлар, фирма ва компанияларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллари пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисмлари тўла сотилди. Хусусан, 2008 йилги ярмаркада 950 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилган. Бу ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб катталиги ва унинг таклиф этилаётган ҳажми ҳар доим тўла харид қилинаётганини тасдиқлайди.

Мамлакатимизнинг пахта экспорти билан шуғулланадиган ташқи савдо компаниялари замонавий ва самарали сотиш усулларини қўллаган ҳолда, ўз маркетинг стратегиясини мустақил шакллантириш ҳуқуқига эга. Ярмаркада қатнашаётган чет эл трейдерлик фирмалари ва тўқимачилик компанияларига ўзлари танлаган толани сотиб олиш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузиш билан бир қаторда, уни ташиш тўғрисида келишиб олиш имконияти берилиши Ўзбекистон экспорт сиёсатининг муҳим натижасидир. Истеъмолчиларни бундай хизматлар билан таъминлаш учун барча шароит яратилган. Мамлакатимизда ўттизга яқин пахта терминали, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли йўналишлардан иборат логистика тизими йўлга қўйилган. Ўзбек толасини етказиб бериш жуғрофияси мунтазам кенгаймоқда, пахтамизни сотадиган бозорлар сони кўпайиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда, янги транспорт йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Ярмарканинг очилишида сўзга чиққан хорижий экспертлар Ўзбекистон юқори сифати билан ажралиб турадиган пахтани кафолатли равишда етказиб берувчи мамлакат эканини, юртимизда бозор нархлари ўзгаришига қараб, унинг мослашувчан кўрсаткичларидан фойдаланилаётгани, буларнинг барчаси ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида манфаатдорликни оширишини таъкидладилар.

— Жаҳон бозорида талаб юқори бўлган ўзбек пахтасининг юксак сифати юртингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг ёрқин намоёнидир, — деди «Cotton Outlook» халқаро агентлиги бош муҳаррири Рей Батлер. — «Cotton Outlook» журнали дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилган пахта толаси мониторингини олиб боради. Ўтказилган ана шундай мониторинг натижаларига биноан айтиш мумкинки, ўзбек пахтасининг сифати ва харидоргирлиги муттасил ортиб бормоқда. V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунё пахта бозорининг барча йирик иштирокчилари қатнашаётгани бунинг ёрқин далилидир.

V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси қатнашчилари «Ўзэкспомарказ» кўргазма павильонларида пахта толасининг ранг-баранг намуналари билан танишдилар. Бу ерда пахта сифатини баҳолаш ва танланган товарни сотиб олиш бўйича шартнома тузиш имконияти яратилган. Айни пайтда ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон Товар-хомашё биржаси савдоларида қатнашиб, пахта толасини сотиб олиш имкониятига ҳам эга.

Ярмарканинг биринчи иш куни қизғин музокараларга бой бўлди.

— Дунёда пахтага эҳтиёж йилдан-йил ошмоқда, — дейди Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ижрочи директори Терри Таунсенд. — Бу эса, ўз навбатида, пахта етиштириш ҳажмини янада оширишни талаб этади. 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка жаҳон пахта саноатида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам унинг иштирокчилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Пахта бизнеси билан шуғулланувчи иш одамлари учун улкан имкониятлар эшигини очадиган ушбу нуфузли анжуман харидор билан сотувчи ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридаги мавқеи изчил юксалиб, ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бораётгани, пахтамизнинг сифати ва харидоргирлиги ошаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир. Мазкур анжуман юртимиз иқтисодиётини жадал тараққий эттириш баробарида унинг нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири**

**А. Ёқубов (ЎзА) олган сурат**

